

## ЗАМОНАВИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕДА СУХАНДОННИНГ ОВОЗ ВА НУТҚ СУРЪАТИ БИЛАН ИШЛАШ МАҲОРАТИ

**Маханбетова Дильноза**

**[dilnozamaxanbetova@gmail.com](mailto:dilnozamaxanbetova@gmail.com)**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21674514>

Телевизион эфирда сухандоннинг овози кўпинча томошабин эшитадиган биринчи ахборот сигналларидан бири ҳисобланади. Томошабин хабар мазмунини тўлиқ англаб улгурмасидан олдин ҳам сухандоннинг овоз оҳанги, гапириш тезлиги ва талаффуз хусусиятларини қабул қилади. Шу сабабли овоз билан ишлаш телевидение сухандонининг кундалик касбий фаолиятида муҳим ўрин тутди.

Сухандон учун “яхши овоз” тушунчасини фақат баланд ёки ёқимли овоз билан боғлаш тўғри эмас. Эфирда овознинг бошқарилиши муҳим. Телеведущийнинг шахсий ва касбий сифатлари унинг аудитория билан мулоқот ўрнатиш қобилияти билан узвий боғлиқ [1]. Сухандон ўз овоз диапазонини билиши, узоқ матнни ўқиш жараёнида овоз барқарорлигини сақлаши ва хабар мазмунига қараб нутқ оҳангини ўзгартира олиши керак.

Нутқ суръати телевизион ахборотни қабул қилишга таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан биридир. Жуда тез гапирган сухандон эфир вақтини тежаши мумкин, аммо томошабин муҳим маълумотларни англаб улгурмаслиги эҳтимоли ортади. Айниқса, хабарда рақамлар, географик номлар ва шахсларнинг исм-фамилиялари кўп бўлса, юқори нутқ суръати ахборот қабул қилишни қийинлаштиради.

Шу билан бирга, ҳаддан ташқари секин нутқ ҳам самарали эмас. Бундай ҳолатда хабар динамикаси пасаяди ва томошабин диққати бошқа ахборот манбаларига кўчиши мумкин. Шу сабабли профессионал сухандон бутун матнни бир хил тезликда ўқимайди. У хабарнинг мазмунига қараб нутқ суръатини табиий равишда бошқаради.

Масалан, воқеанинг асосий натижаси баён қилинган жойда нутқ бир оз секинлашиши мумкин. Қўшимча маълумот ёки воқеалар кетма-кетлиги берилганда эса суръат нисбатан тезлашади. Бундай ўзгаришлар томошабинга матннинг ички тузилишини овоз орқали ҳис қилиш имконини беради.

Овоз баландлигини бошқариш ҳам сухандон маҳорати билан боғлиқ. Микрофон олдида баланд гапириш доимо таъсирчан нутқни англатмайди. Аксинча, ортиқча овоз босими томошабинда ноқулайлик уйғотиши мумкин. Замонавий микрофон техникаси табиий овознинг майда акустик хусусиятларини ҳам етказиш имконига эга. Шу боис сухандон студияда “залга гапириш” услубидан фарқли овоз техникасини қўллаши зарур.

Овоз просодияси ва унинг ўзгариши журналистик ахборотни қабул қилиш жараёнида муҳим аҳамият касб этади [2]. Бир хил баландлик ва ритмда давом этган нутқ маълум вақтдан кейин монотон эшитилади. Овоздаги табиий ўзгаришлар эса сухандон фикрни тушуниб гапираётгани ҳақидаги тасаввурни кучайтиради.

Сухандоннинг овоз ва нутқ суръати билан ишлаш маҳорати мунтазам машқ орқали ривожланади. Бунинг учун эфир ёзувларини қайта тинглаш, бир матнни турли суръатда ўқиш ва нафасни тўғри тақсимлаш машқларидан фойдаланиш мумкин. Ўз овозини эшитиш сухандонга кундалик нутқ жараёнида сезилмайдиган камчиликларни аниқлаш имконини беради.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, телевидение сухандонининг профессионал маҳорати овознинг табиий имкониятларидан онгли равишда фойдаланиш қобилиятида намоён бўлади. Мазмунга мос нутқ суръати, овоз баландлигини бошқариш ва табиий просодик ўзгаришлар ахборотнинг тушунарли ҳамда таъсирчан етказилишига хизмат қилади.

### **Adabiyotlar, References, Литературы:**

1. Крикунова Ю. А. Телеведущий: личные качества и профессиональные умения // Вестник Воронежского государственного университета. Серия: Филология. Журналистика. — 2009. — № 1. — С. 176–179.
  2. Nissen S. L., Dromey C., Wheeler C. Prosodic Elements for Content Delivery in Broadcast Journalism: A Quantitative Study of Vocal Pitch // Journal of Voice. — 2020. — Vol. 34, No. 5. — P. 813.e21–813.e31.
  3. Гегелова Н. С. Особенности современной телевизионной речи // Вестник ВГИК. — 2011. — № 8. — С. 122–129.
- телевизионной речи // Вестник ВГИК. — 2011. — № 8. — С. 122–129.